

**2026 йил 02-06 март кунлари давомида**  
**Жамғарманинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан**  
**амалга оширилган ишлар тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

1. Тасдиқланган мониторинг ва тарғибот жадвалига мувофиқ, ўтган ҳафтада Чилонзор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли БТСЁМда шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 4-болалар клиник шифохонасида ва 4-юқумли касалликлар клиник шифохонасида мониторинг тадбирлари олиб борилди. Мониторинг тадбирлари билан бир қаторда ходимлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари учун ПҚ-311-қарор мазмун-моҳияти ва давлат тиббий суғуртаси тизимининг афзалликлари тўғрисида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

2. 29.01.2025 йилдаги 2-сон баёни (2-банд 1-сонли топширик)га мувофиқ БТСЁМларига бириктирилган Тошкент шаҳар маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2024 йилдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарори мазмун-моҳияти тўғрисида 02.03-06.03.2026 йил кунлари ТШССББ тизимидаги барча ДПМ раҳбарлари, тегишли масъул ходимлари иштирокида тарғибот-ташвиқот семинар тадбирлар ўтказилди.

3. Жамғарманинг 30.07.2024 йилдаги 21-сонли (1-банд, 2-топширик) Баён ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги 382-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг ўрганиш маълумотномаси тайёрланди.

4. Жамғарманинг 30.07.2024 йилдаги 21-сонли Баён (1-банд 3-топширик) Реимбурсация дастурини жорий этиш юзасидан амалга оширилган ишлар маълумотномаси тайёрланди.

5. 13.02.2025 йилдаги 3-сонли баён (3-топширик) ижроси бўйича Тиббиёт муассасаларида даволанган ҳолатни MIS2.SSV.UZ электрон тизимида киритилиш ҳолати таҳлил қилиниб (066 ва 066/1), хато камчиликка йўл қўйган ДПМ раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

6. Барча ДМПлардан ССВ нинг 17 буйруғига асосан февраль ойи ҳисоботлари қабул қилиниб жамланган ҳолда Жамғарманинг ҳудудлар билан ишлаш бўлимига ва Молия бўлимига тақдим қилинди.

7. Жамғарма томонидан ташкил этилган ВКС орқали ўтказилган йиғилишда иштирок этилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-5199-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси" (5-илова)нинг 4-бандида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам олган фуқаролар томонидан тиббий ёрдамни баҳолаш тизимини жорий этиш, улар ўртасида тиббий ёрдам сифати бўйича сўровлар ўтказилди.

9. Март ойи 85-95% маблағлар тиббиёт муассасаларининг шахсий ғазна ҳисобварағларига молиялаштириб берилди.

10. Тошкент шаҳар Молия бўлими билан март ойи учун 1000..лик ҳисоб рақамига (трансферт) зарур бўлган маблағ режалаштирилди.

11. Аудит бўлими саволлари бўйича маълумотлар умумлаштирилиб, Жамғармага тақдим этилди.

12. Бўлинма томонидан ҳафта давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрланиб, Жамғарманинг Умумий бўлимига тақдим этилди.

13. Тошкент шаҳар, Чилонзор туман 39-оилавий поликлиниканинг шифокорларига реимбурсация дастурида рецепт ёзишда касаллар катнови динамикасига эътибор берилиши, ССВ нинг 24.07.2025 йилдаги №226 сонли буйруғидаги 28 та турдаги дориларга МКБ қўлланилиши бўйича ҳамда ажратилган ойлик лимитлари доирасида рецепт ёзилиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

14. Жорий йилнинг 2-6 март кунлари оралиғида “DMED” ахборот тизими орқали реимбурсация дастурида феврал ойида ёзилган беморларга дорихоналар ва рецептлар кесимида ҳисоботи тайёрланди. Ҳамда ҳамкор дорихоналар томонидан юбораётган электрон ҳисоб-фактуралари ҳисоботи билан текширилмокда, бугунги кунгача ҳисоботга мослиги бўйича 5 та дорихоналарнинг қабул қилинган ҳисоб-фактураси учун 1 111.6 млн сўмлик тайинлаш сертификати тайёрланиб, молиялаштириш мақсадида Жамғармага тақдим этилди.

15. Жамғарманинг 2025 йил 11-мартдаги 18-и-сонли буйруғига асосан ҳудудий бўлинманинг бажарилган ишлар бўйича ҳафталик ҳисоботлари умумлаштирилиб жамғармага тақдим этилди.

16. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган ҳужжатлар кўриб чиқилиб ижроси таъминланди.

**Тошкент шаҳар ҳудудий  
бўлинмаси бошлиғи**

**Б.Муминов**